



ТОШКЕНТ ОҚШОМАИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 145 (10.198)

2004 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ПОЙТАХТНИНГ
бир куни
Янгиликлар, воқеалар

КИСМА
сийасатларда

- СЕРГЕЛИ туман маданият бўлими ташаббуси билан Сергели маданият уйидаги таътилда болажонларнинг мароқли хордик чиқаришларини таъминлаш мақсадида концерт дастури ўюштирилди.
- ШАҲРИМИЗДА ўзбек-корейс технологиялари маркази ташкил этилди.
- «КАМОЛОТ» ЁИХ Марказий Кенгаши, Республика репродуктив саломатлик маркази ҳамда Саломатлик институти ҳамкорликларида шахримизда «Репродуктив саломатлик — халқ фаровонлиги» мавзуда анжуман ўюштирилди.

• УЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг «Халқ таълими»ни ривожлантиришининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган давлат умуммиллий дастури тўғрисидаги Фармонини бажариш максадида Юнособод туманинадаги 235-мактабни таъмираш учун туман халқ татими бўлими томонидан 3 миллион сўм мисқорда маблаг ажратилди. Режага кўра, 2007 йилда мазкур ўкув маскани тўлиқ таъмирандан чиқарилади.

• «МЕХМОНДУСТЛИК» ва ахборот хизмати: жамоатчилик ташкилоти қушидаги интеллектуал ёшлар ўкув маркази учун бунёдкорлар томонидан янги бино куриш ишлари революцияни ўтди.

• СОБИР Рахимов туманинаги «Пахта» маҳалласида ҷашар йўли билан фуқаролар йигини идораси ва янги маҳалла гузари куриб битказилди ва фойдаланишига топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



ТЕМИР ЙЎЛ – ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ҚОН ТОМИРИ

Темир йўнни иқтисодиётимизнинг қон томирларига ўхшатишиади. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки курилиш учун зарур бўлган ашёлар, саноат маҳсулотлари, кўйингки, бунёдкорлик ва ишлаб чиқаришга тааллукли барча маҳсулотларнинг жуда катта қисми айнан темир йўллар орқали ўз манзилларига етказилиди.

Мустакиллик йилларидаги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясида ҳам катор ўзгаришлар жорий этилди. Жумладан, сўнгги йилнинг ўзидаёқ Амударё устида бўклирни барпо этилиши, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки кредити ҳисобига Хиджридан тўқизида замонавий электровоз келтирилиши, Осиё тараққиёт банки маблаги хисобидан жами 105 километр масофадаги темир йўлнинг янгилини эътиборга молиқидар, Айни кунларда эса Фузор—Бойсун—Кумкўргон темир йўлини куриш ишлари тобора жадаллашилоқда.

«Тошкент—Самарқанд» йўналишда бўйича қатнай бошлаган тезкорар поезднинг йўловчилар ва республикамиз меҳмонлари учун дунё кулий бўлаётганини англаб олиш кийин эмас. Андижонда ишлаб чиқарилаётган вагон-цистерналар хорижники билан бемалол рақобат қила олиши кишини кувонтиради.

Компания башкарувининг жорий йил ярим

йиллиги бўйича ўтказилган кенгайтирилган таркибида гиёнида ҳам ютуқ ва камчиликлар рўй-рост айтилди. Ўқ ва йўловчи ташиш бўйича белгиланган вазифалар 102,2 фуозга бажарилди. Ярим йил мобайнида саккиз миллион йўловчи ўз манзилларига етказилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фуоз демактир. Ҳаракатдаги таркиб ва бошқа техник воситаларни модернизациялаш учун 20,8 миллиард сўм маблаг сарфланди. Албатта, бундай сайди-харакатлар замонида катта меҳнат бор. Кунни-тунга улаб ишлапётган темир йўлчиларнинг хайрли ва масъулиятли ишларида зафарлар тилаймиз!

СУРАТЛАРДА: янги электровоз куриши; «Тошкент» вагон депоси ишчиси Музаффар Усмонов; «Ўзбекистон» локомотив депоси машинисти Мухаммаджон Дехонбоев.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.



Мамлакатимизда меҳмон бўйиб турган Корея Республикаси ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) президенти Ким Сок Хён раҳбарлигидаги делегация аъзолари 28 июль куни ўзбекистон Республикаси ташкил ишлар вазiri Содик Сафоев билан учрашиди.

КОИКА РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Музокарада иккى томоннада ҳамкорлик истиқболлари юзасидан Фикр алмашиди. Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўтрасидаги ҳамкорлик алкалари изчил ривожланиб бораётгани таъвидланди.

Ўзбекистоннинг КОИКА билан ҳамкорлиги 1992 йилда ўрнатилган эди. 1995 йилда Корея ҳамкорлик агентлиги Тошкентда ваколатхона очди. Шундан бўён мазкур ташкилот ўзбекистонга техникавий ва гуманитар соҳаларда кўмак бераб келмокда.

М.ЗОХИДОВ
«Жаҳон» АА
Москва

Шу куни меҳмонлар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам бўлди.

КОИКА президентининг олий ва ўрта маҳсус таълим вазiri Рустам Қосимов билан мулоқоти чигида мамлакатларимиз ўтрасида таълим соҳадиги ҳамкорликни мустахкамлашга оид масалалар муҳокама этилди.

Ким Сок Хёнга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доқтори унвони топширилди.

ЎзА

XXI сафоси
Барча манбалардан
онлигиган сўнгли кабарлар

Мамлакатимизда

• Кече Тошкентда ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариши ва рабочтанириши давлат кўмитаси ва Олий хўжалик суди ҳамкорлигидаги «Ракобат сиёсати ва истеъмолчиликлар хукукларини ҳимоя қилиш муаммолари» мавзууда халқаро конференция бўйиб ўтди.

• Бухоро вилоят фаоллариң жорий йилнинг ўтган ярим йиллиги натижасида бағишланган йигилиши бўйиб ўтди.

• Осиё тараққиётининг «Ўзбекистон» тараққиётинида бир катор тълим дастурларини амалга жорий этиш» лойиҳаси ҳамкори хисобланган Австралияning «Опсиви» компанияси делегацияси Самаркандинда будди.

• Ангрен кўмир конида 137205 тонна, белгилангандан 22,2 минг тонна кўмир кизиб олинни, 7 ойлик режа ошириб бажарилди.

• Германия Кизил Ҳоч ташкилоти томонидан ўзбекистон 340 минг евро кийматига эга тиббий анхомлар ва боягловчи материаллардан иборат инсонпарварлик юки ўзбекистон Кизил Ярим Ой жамиятига келиб тушди.

• Тошкент шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий характерати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва ўзбекистон телерадио компаниининг мусикиалири директорияси томонидан ташкил этилган «Олтин овоз» лойиҳасининг яқуноччи босқичи давом этмоқда.

Жаҳонда

• БМТ Ҳавфиззлик Кенгаши БМТ тинчлигарлар чуквари Ливандаги бўлиши муддатидан олти ойга чўзилишини маъкуллайди.

• Коста-Рикадаги Чили элчионаси гаровга олинди. Мамлакат миллий ҳавфиззлик вазирлиги берган маълумотга кўра бу ишни элчинонани қўриклиётган 10 нафар полициичи амалга оширган.

• Франция жанубида давом этाओған илрик ўрмон ёнгинлари натижасида уч минг гектардан ортиқ ўрмонлар тўлалигича куйб кул будди. Ҳозирда ўрмон ёнгинлари Марсель шаҳри атрофида ва Ўрта Ер дengизи кирғозидаги башка кутурмада.

• Афинадаги бўладиган олимпиада ўйинларининг ҳавфиззлик агентлиги чиқариладиги кўнглиларни максадидаги «Ватаннанвар» деб номланувчи хаво ҳукумийида ҳамкори чиқиши.

• Хитойнинг Air China авиакомпаниясига қараши самолётни руҳий касалликка чалинган шахс олиб кочишига уринган. Ҳавфиззлик хизмати ходимлари кўнглиларни таъсирлаб, унда курол, ва портловчи мадда бўлмаганилиги аниқланди.

*Иктиносидёт***ҚАЙТА
ИШЛАШ
АСОСИДА**

Бутунлай кераксиз бўлиб қолган полистилен маҳсулотидан «Эркин ота» хусусий корхонаси тадбиркорларининг замонавий технологиялар асосида тайёрлаётган товарлари халқ хўжалигига ниҳоятда аскотади.

Бу албатта хусусий корхона раҳбари Фахриддин Носировнинг тинимиз сайдаралари, изланишлари самарадири. Хозирда корхонада 9 хилдаги полистилен кувурлар ишлаб чиқарилиб, уларнинг диаметри 15 миллиметрдан 100 миллиметрларни ташкил этди. Корхона фолият бошлаганига эндиғина икки йил бўлсада, буюртмалар сонининг ортиши натижасида ишлаб чиқариси хажми хам ошиб бормоқда. Натижада ишчилар сифати сафи ҳам кенгайлб, 3 нафардан 17 нафара етди.

— Республикаимизнинг барча вилоятларидан маҳсулотларимизга буюртмалар тушишда, — дейди Фахриддин Носиров. — Пахта далаларидан сугориш ишларини ўйлга кўйишида, канализация тармоқларида кўлланиладиган полистилен кувурларимиз сифати ва ракобатборошлилиги билан четникоидан асло колишимаслиги баробарида улардан бир неча баробарга арzonдир. Ширкат хўжаликари ҳамда 406-махсус механизацияланган кўмча жамланма жамоаси маҳсулотларимиздан унумли фойдаланиб, асосий буюртмачиларимиз сираисига киради.

Келгусида корхона тадбиркорлари «Шўртнганз» корхонасидан келтирилган сифати хом ашёдан ичимлик суви тармоқларида кўлланиладиган полистилен кувур турларини ишлаб чиқарishни режалашмоқда.

**«МИЛЛИЙ
ТАОМЛАР»
БОЗОРИ**

Пойтахтимизнинг «Эски Жўва» дехон ҳамда «Чорсу» буюм бозорларида яна бир шоҳобда курилиб, фойдаланишига топширилди.

Миллий таомларимизни тайёрлаб сотовчи тадбиркорларга ва бу ерда тановул киличи хўрандаларга яратилган куляй шарт-шароитлар барчани мамнун этмоқда. Эндиликда таом тайёрловчи ва сотовчи тадбиркорлар озода ва шинан расталарда санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда савдони уюштираётган бўлса, хўрандалар 400 ўринни овқатланиш жойларидан, намуналари хизматдан фойдаланишишмоқда. Бозор ўтасидаги майдонлардаги раён-баражон гул кучатлари ва кичик фаворолар ҳам барчага завъ улашмоқда.

Ушбу «Миллий таомлар» бозорчасини пойтахтимизда фаолият кўрсатадиган «Мұхлиса киз» хусусий фирмаси бунёдкорлари тез ва соз куришда фаоллик кўрсатишади. Шу боси ҳам шахримизда ягона бўлган бундай бозорнинг кад ростглашидан тадбиркорлар бенихоя мамнун. Албатта, хизматни ташкил этиш, овқатлар сифати ҳам шунга яраса бўлади.

Шарофат **БАХРОМОВА**

*Тадбиркорлик***ПЛАСТИМАССА ИДИШЛАРДА
ҚАДОҚЛАНМОҚДА**

Маҳсулот сифати ва қадоқланнишига қаратилган эътибор пойтахтимиздаги «Орзу ош тузи» шўъба корхонасида ишлаб чиқарилаётган ош тузларни харидорларигини янада ошириб, уларни кўшини давлатларга экспорт килиш имкониятни ҳам яратиши шубҳасиз.

Кундадик турмушимизда ниҳоятда аскотадиган ушбу маҳсулотнинг инсон саломатигига ҳам фойдаси катта. Айниска, ош тузининг етарили мукордорда йодланганилигига бўлук, ва бошقا касаллакларнинг олдини олишида мухим аҳамияти қасб этади. Ана шуни назарда тутган корхона тадбиркорлари Коракалпогистон Республикасидан келтирилган хом ашёдан ички бозор учун харидорига ва сифатни маҳсулот тайёрлаб, унинг йодланнеш физиони ҳам ошириб бормоқда. Ишлаб чиқарилаётган уч турдаги —олий, биринчи ва иккинчи нарави ош тузларининг йодланниши даражаси хозирда 65-70 фойзи ташкил этмоқда. Маҳсулотлар яғни полистилен пакетларда қадоқланниб, сакланниш муддати ҳам бир йилга узайтирилди. Бу эса буюртмалар сонининг ортишга сабаб бўлмомада.

Бозор бы ракобат майдони, — дейди корхона раҳбари Абду Рахим Мир Аҳмад. — Ана шу ракобатда муносиб ўринга эга бўлиш эса ҳар бир ишлаб чиқарувичдан катта масуслиги, тинимиз сиз изланиши, бозорни ўрганиши, харидор талаб ва энтижидан келиб чиқиб иш юритишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам биз маҳсулотимиз сифати ва ракобатборошлигини таъминлаш баробарида бекирим ва чиройли қадоқланниши ҳам ўйлга қўйтганимиз. Хозирда олий навли тузларимизни харидор энтижидан келиб чиқиб 750 граммлик пластимасса идишларда қадоқланниши бошлади. Ушбу идиши копколкалари шундай ясалгани, истебмолни уни алпанишриб, салат ёки овқатларга ишлатишда бемалол фойдаланиши мумкин. Келгусида ушбу қадоқланнган тузларимизни ҳамдустлик давлатларига ҳам экспорт килишини режалаб қўйтганимиз. Энг мухими эса

ушбу идишларга қадоқланган ош тузи намални үзига олмайди, куруқ сакланади.

Тадбиркорлар ўзлари тайёрлаётган маҳсулотнинг иoddланини даражасини ошириш барабарда намалниши камайтиришга ҳам алохида эътибор қаратишмоқда. Бу борада лаборатория ходимларининг изланишлари ҳам бирмунча самара кўрсатмоқда. Шунингдек, корхона цеҳларига хориждан янги замонавий куритиш дастгохларини олиб келиб ўрнатишга ҳаракат килинмоқда.

Корхонанинг ташкил этилганига ҳали кўлбасада, амалга оширилсан ишлар, асосийси ракобатборошли маҳсулот тайёрлашни йўлидаги изланишлар самараси яқол кўрнишинга. Шу боисдан ҳам бу ерда 40 нафарга яхин ишчи-хизматчигининг меҳнатлари, ҳамхижатлиги эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозори чакрон, ўз харидорини толиб улугрган. Эндиғи эзгу маҳсад эса хориждан харидорлар тошиш, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли сифатли ош тузларини четга экспорт килишидир. Бунга ёришиш эса тадбиркорлардан анчагина меҳнат талаб килади. Мамлакатимиз иктиносидёти ривожига муносиб хисса кўшиши ниятида ҳар деб имкониятдан оқилона фойдаланаётган тадбиркорлар ана шундай меҳнат замхатлаштиру, уни ёнги ўтса келадиган барокатларини англаган ҳолда иш юритмоқда. Зеро, интилганга ҳамиша тоғе бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: қадоқлаш цехи илфордари сифатли маҳсулотни харидорга манзур этишга мухим хисса кўшишиади.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Республика Президенти хузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Словакия ташкил сиёсати ассоциацияси ўртасидан ўзаро ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди.

ЯНА БИР ҲАМКОРЛИК

Словакия ташкил сиёсати ассоциацияси (СТСА) мамлакат ўз истиқлолига эришган дастлабки йилларда ташкил топгани бўлиб, мустақил, партиясиз ва нотижогат ташкилот ҳисбланди.

1995 йили СТСА кошида Тадқиқотлар маркази ташкил этилиб, айни пайтада бу марказ Братислава, Бистрица ва бошқа шахарларда фаолият олиб бормоқда.

Марказнинг бош мақсади Словакия Республикасининг жаҳон ҳамкориятида интеграциялашувига фаол ҳисса қўшидан иборатидир. Учрашувлар, семинарлар ташкил этиши ва ахборотларини ўз наршлари орқали дунёга тарқатиш шулар жумласидандир.

Ташкил сиёсат ва ҳалқаро муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокамасини мухим деб хисблаган ҳар кандай фуқаро СТСАнинг аъзоси бўлиши мумкин. Аъзолар учун кўзига кўринган олимлар томонидан лекциялар, ташкил сиёсати маддаси бўйича ҳафтапар сұхбатлар, конференциялар, семинарлар уюштирилади, шунингдек, долзарб мавзуларда давра сұхбати ташкил этилади. Бу тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад эса экспертерлар билан мулокот тарқасида ишончи ахборотларни тарқатиш, шунингдек, вояжга етадиган ёш авлод вакилларини ташкил сиёсат ва ҳалқаро муносабатлар муммалолари билан яқиндан танишириб бориши имкониятларини яратишдан иборатидир.

СТСА кутубхоналарни бойитиши, кенгайтиришга жиддий эътибор қаратади. Унинг кутубхона жамгармаси энциклопедиялар, турли мамлакатлар ташкил сиёсатига оид йилномалар, ташкил сиёсат, ҳалкаро ҳавфисизлик ва бошқа масалаларни ёритувчи ўзининг «Listy SFPA», «Studies on International Issues» ва бошқа даврий насрларига эга. Бу нашрлар ҳалқаро сиёсат, ҳавфисизлик ва бошқа таъланган мавзулар бўйича таҳлили қарашларни ёритиб боради.

Республика Президенти хузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ректори Рафшан Алимов ва Словакиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Питер Юза томонидан имзоланган битим ташкил сиёсат, ҳалқаро ҳавфисизлик масалаларида ўзаро тезкор ва ишончли ахборот алмашишда ҳам Ўзбекистон, ҳам Словакия учун мухим аҳамияти қасб этади.

Максуд АКРАМОВ,
«Туркистан-пресс»

ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан пойтахт худудида курилиши давом этадиган юхлти айланма йўл Тошкент Кичик ҳалқа йўли деб номланади. Шуни инобатга олган ҳолда Кичик ҳалқа йўлини курилишига тушган топонимик обектларнинг номларини саклаб колиши максадида айрим кўчалар номларига куйидаги кўшимча ва ўзgartиришлар киритилди:

Кўшимчининг аввалинг номи	Кўчанинг янги номи	Изоҳ
		Яққасарой тумани бўйича
Тошибулок, кўчаси	Ҳамза Умаров кўчаси	Ҳ.Умаров - Ўзбекистон ҳалқ, артисти, таниқида шино ва таътар намонидаси
Эй Сайд кўчаси	Мулодон Ҳузён кўчаси (Маннан Унур кўчасидан Кичик ҳалқа ўйнингча)	М.Ҳузён - ҳарбий аробб, генерал-майор. Ўтни асрини 50-йиллардан Ўзбекистон ҳарбий комиссари бўлган
Сирожиддин Зиёнов кўчаси	Амин Ийёсов кўчаси	А.Ийёсов - давлат ва жамоат аробби. Ўзбекистон коммунал ҳўжалиги вазiri бўйича. Ўзбекистон юзмет курсантан бинокор. Зиёнов кўчасининг Сабон кўчасидан Ўзбекистон чорхасинча бўлган Қимон сакланади
Ақол Сариков кўчаси	Абдулжаббор Абдураҳмонов кўчаси	А.Абдураҳмонов - давлат ва жамоат аробби. Ўзбекистон юзмет курсантан туттишин шабни бошлинг низоми бўлган.
Абдулла Қодирий кўчаси (Собир Рахимов тумани кўчаси)	Ҳусниддин Асомон кўчаси	Ҳ.Асомон - давлат ва жамоат аробби. Тошкент шаҳар ижорияни кўмпаклининг раиси, 1966 йили низоми оқибатларини туттишин шабни бошлинг бўлган.
	Юнусбоз тумани бўйича	
Кўртоғ кўчаси	Хизирзин Эрзинов кўчаси	Ҳ.Эрзинов - давлат ва жамоат аробби. Ўзбекистон асрини 60-йиллардан Ўзбекистон ҳокимилинига ишланаётган.

Япония ҳукумати 1945 йили Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган атом бомбалари туфайли жарб кўрган ва хозирги вактда Корея Ҳалқ Демократик Республикасида истиқомат килаётган одамларга ҳар тоғонламида ёрдам кўрсатишини эълон килди.

ТАРИХ ВА ДИПЛОМАТИЯ

Маълумки, Япония ва КХДР ўртасидан дипломатия муносабатлari урнаштирилди. Шу боис қарорни ўзига хос ярашишига итилиш белгиси сифатида баъзлаш мумкин. Тоқиода мазкур қарор юзасидан ўтган тутбут айнуманида Япония меҳнат ва соглигни саклаш вазори Тикара Сарагути оммавий ахборот воситаҳарига батафсил маълумот берди.

Жумладан, вазори уруши Йилларидан минглалламоқда. Т.Сакагути барча ҳаражатларни Япония ҳукумати ўз зиммасига олишини айтди.

Хисоб-китобларга кўра, хозир Шимолий Кореяда атом бомбасидан жабланган мингларни зиёд одам истиқомат килиади.

PATA-TASS ахборот маҳкамасининг маълум килишича, Токио Ҳенъян билан дипломатия муносабатлari урнаштиши тайёрлаб бўлади. Факат бунинг эвазига расмий Ҳенъян ядро дастуридан воз кечиши, шунингдек, 1970-80 йилларда КХДР маҳсус хизмати ходимлари томонидан ўтилаб кетилган япон фуқароларининг тақдири масаласига оидинлик киритиши шарт қилиб кўйилмоқда.

Шерзод ҲУДОЙБЕРДИЕВ
ЎзА

Шарқ дурданалари

Озод Ултаниб домо бўнгри...

- Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.
- Умр оқар дарё, ёшли билан қарилек ораси ўта киска.
- Улуғликниң белгиси кичикларга химмат кўрсатмоқдир.
- Караганингда ёшлидаги бутун кучкувват безавол ишга сарф бўлганини хис этишдан оптик баҳт йўй.
- Ёшлидаги нима эксанг, караганингда шуни ўрасан.
- Кексаларни хурмат кил, устидан кулма, бир кун келиб ўзинг хам шундай қартаясан.

БАЙТ: Ёшмисан, кексани сен хурмат айла, Ўзинг ҳам қарий сан, ҳозирдан ӯйла.


Кексага кўмак бер — суюнган тогинг, Буни тушунарсан кариган чоғинг.

- Оғир тош ердан минг азоб-укубат билан кўтариб олиниади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб мартабага эриших худди шу тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек гап.

- Мажлисда «Бу ердан тур» демасликлари учун жойингни билиб ўтири.

- Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.
- Суви йўқ анхорнинг қадри йўк.

- Донолар дейдиларки, агар киши эҳтиром ва эътибор гавхарини қидиривчиларидан бўлса, гавҳар каби яширип бўлсин. Токи уни изловчилар орзу даввоси билан кўлга киритсинлар. Агар, аксинча эътибор тамғасини нафс итининг бўйнидан олиб, гадолар каби кўлини очиб, ўткинчиларга таъна кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланни, қорин тўйдириш пайдада бўлса, яхшиси, обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тиланчилик килгани маъқул.



Ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ҳамда кўп асрлик тарихини ўзида мужассам этган қадириятлари мавжуд. Якинда «Балтимор Сан» газетаси Америка жамияти анъаналари ҳамда ҳаёт тарзи оғузида ўзлигини ва Ватан ҳқидаги хотираларни саклаб қолишга интилаётган Бухоро яхудийлари ҳқида мақола чот этди.

НЬЮ-ЙОРКДАГИ «КИЧИК БУХОРО»

Макола муаллифи Дэвид Коэнинг ёзишича, Арон Аронов Марказий Осиёдан Нью-Йоркга кўчиб келган 50 минг яхудийдан биридир. У кичик бир ўй сотиги олгач, ташқари ховлидаги эски гаражани бузид ташлаб, Ватани хисобланмиш Бухорога хос мухит яратиш мақсадида ён атрофида ток ҳамда бошқа дараҳт кўчтаплари экилган усти ёпиқ айвон кўрди.

«Ким менинг уйимга меҳмонга келмасин, ўзини Америкада яшаётганинги бир лаҳзага унугди, чунки бу ерда яратилган мухит биз ўзбекистонда турди», — дейди маҳаллий Бухоро яхудийлари жамоаси вакилларидан бири.

Аронов ва унинг ватандошлари кўп йиллик сайд-харакатлари туфайли очилган «Бухоро мероси музей» экспонатлари ушбу кўхна замин маданияти ва тарихининг ўзига хослиги ҳамда Бухоронинг кўли гул устлари — заргарлар, тўкучви ва темирчилар томонидан яратилган буюмлар нойблигини қайта жонлантиради.

«Узбек яхудиях хотаёт йўк, лифтда кўтаришсангиз бас ва қарабисизи, Бухородасиз», — дейди ўз музейи хакида Аронов.

**Икболжон СОЛИЕВ,
«Жаҳон» АА**

Бугунги замон глобал ҳавфисизлик тизимининг улкан муаммосига айланган халқаро терроризмга карши кураш жаҳранидаги долзарлардан бири — бу терроризм инфратизумасини парчалашдир. Ушбу юмуниши амалга оширишда терроризмга карши гоявий чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир вактда унинг иктиносий-молиявий илдизларини киркиш мухим аҳамият касб этади.

ТЕРРОР ОРТИДАГИ ДОЛЛАРЛАР

Бугун халқаро терроризм йирик молиявий иктиносий ташкилотлардаги меҳнат фаолияти давомида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг молиявий жиҳатларини синчиллаб ўрганиб чиқсан эксперталардан бири — Лоретта Наполеонининг фикрича, айни вақтда келиб терроризмни глобал иктиносидётӣ шакланган ва бу халқаро терроризмга карши курашни янада мурakkabлаштироқда.

Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий иктиносий ташкилотлардаги меҳнат фаолияти давомида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг молиявий жиҳатларини синчиллаб ўрганиб чиқсан эксперталардан бири — Лоретта Наполеонининг фикрича, айни вақтда келиб терроризмни глобал иктиносидётӣ шакланган ва бу халқаро терроризмга карши курашни янада мурakkabлаштироқда.

Муалиф ўзининг «Замонават жиҳод, террор тармоклари ортидаги доллар изидар» номли китобида айни муаммони таҳлил этар экан, терроризмнинг молиявий иддиёларни курол-ярг, нефть, олмос, наркотикларнинг ноконуний савдоси, бундан ташқари турли хайрия жамғармаларининг молиявий операциялари каби катор йўналишларни камлаб олишини таъқидлайди. Л. Наполеонининг фикрича, мазкур ноконуний иктиносидётӣ иҷодиги ўзаро боғлиқлик турларни глобал иктиносидётӣ шакланган ва бу халқаро терроризмга карши курашни янада мурakkabлаштироқда.

Унинг фикрига кўра, терроризм молиявий манбаларидан бири турли хорижий мамлакатларда яшайдиган муйян этник ёки гоявий гурухларнинг ўзлари мансуб бўлган марказга, бошқача килиб айтганда терроризм “эпи-

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲИНДИСТОН ТУФИЛИШ БҮЙИЧА РЕКОРД ЎРНАТМОҚДА

Жаҳон ахборот агентликларининг хабар берисига қараганда, Ҳиндистон ахолисининг ўйиши суръати ҳозиргидек сакланиб коладиган бўлса, 2035 йилга бориб у дунёнинг ён кўп ахолисига эга бўлган кўшин Хитойдаги ўйиб кетади.

2001 йил 1 марта таркитлган маълумотларда Ҳиндистон ахолиси 1,029 миллиарда етганлиги хабар килинган эди. 1991 ва 2001 йил оралигидаги ўсиш 182 млн. кишини ташкил этган бўлди, бу бутун Европа ахолисига тенг демакидир.

Ҳинд демограф олимлари башорат килишиларича, маълумат ахолисининг сони 2035 йилга бориб 1,46 миллиард кишини ташкил этиши мумкин. Ана шундай бир ва-

зиятда маҳаллий матбуот мамлакат учун долзар бўлган бошқа бир муммия ҳақида бонг урмокда. Оммавий ахборот воситалари бутун замонавий технологиялар, жумладан, илгор компьютер дастурлари яратиш борасида халқаро кўлмада мудвафиятига козонаётганига қарамасдан Ҳиндистон ахолисининг 35 фоизи ўкиш ва ёзиши билмаслигига ётиборни қаротмоқда. Энг ачанчи ахвол аёллар ўртасида кузатилапти — уларнинг яримидан кўпі саводсиздир.

Бугунги кунда парламент томонидан кишилек, жойларда истикомат килидиган ахолисининг савод чиқариши учун юбоджетдан маълаб ажратиб, керакли шароит яратиб бериши лойиҳаси кўриб чиқимдоқда.

даги жангари гурухларга жўннатган.

Халқаро терроризмнинг молиявий манбаларидан яна бири — бу одамларни гаровга олиш эвазига маълаб ўндиришидир. Айтиш мумкинки, айни усул жиноятчиларнинг “навбатчи” воситаларидан биридир.

Үргилик, талон-тарож килиш ва контрабанда каби жинонай фаолият ҳам терроризмнинг молиявий озуке бериб турган воситалардан саналади. Муалиф айни масала хусусида тўхтатлар экан, кизиқ бир мисолни келтиради: Онтирио во Квебекдан (Канада) машина уйғираб, Ливингтон жонатидаги жинонай гурух ўз даромадининг ўн фоизини мудайн террорчи гурухларга берисига маҳбуб экан. Бундан ташкири сигарет ва алкоголь маҳсулотларидан тортиб олмос ва нефть контрабандаси (смаглинг) билан боғлиқ хиноятлар ҳам у ёки бу маънода терроризм тузилмалари билан боғлиқдир. Л. Наполеонининг фикрича, смаглинг айни вақтда катта индустринга айланган. Изоҳ тарикасида муалиф Афғонистон орқали бошқа мамлакатларга ноконуний тарзда кирәфтган турли маҳсулотларга ётибор каратади. 1999 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу борада тадқиқот ўқаби, Афғонистондан Покистонга контрабанда килинган маҳсулотлар ҳажми билди. АҚШ доллари, Афғонистондан Эронга ноконуний йўллар билан ўқазилган моллар кўймати эса 140 миллион долларни ташкил этганни маълум килиганди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, бу савдо айланмаларида “Толибон” ҳарада 75 миллион долларни ўнлашади.

Л. Наполеонин тадқиқотларидан келиб чиқадиган асосий хуносалардан бири шуки, бугун халқаро терроризм билан ноконуний бизнес бир бирда билан чамбарач болганиб кетган. Халқаро терроризмга карши кураш айни вақтда ноконуний бизнесс манфаатларига қарши кураш ҳамдир. Фоевий омиллар билан коришиб кетган молиявий манфаатлар халқаро терроризмга карши курашнинг мураккаб жабхаларидан биридир.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

«ХАЛЛИБЭРТОН»НИНГ ЯНГИ МУАММОСИ

АҚШнинг «Халлибэртон» корпорацияси билан боғлиқ яна бир муаммо юзага келди. Ҳукумат унга қарашли шўъба компаниялардан бирига нисбатан жиной иш қўзғади. Компания мамлакат қонунини бузиб, Эрон билан савдо алоқаси ўрнатишда айбланаёттири.

«Халлибэртон» продуктс энд сервисиз» деб номланган мазкур компания нефть қазиб чиқариши қурилмалари билан савдо қиласди. Унинг қароргоҳи Бирлашган Араб Амирликларида жойлашган. Текширувлар натижасида компания ўз маҳсулотларини эронлик мижозларга етказиб бергани аниқланди.

«Халлибэртон» корпорациясининг фаолияти 2003 йилнинг охирида жиддий танқид қилинган эди. Бунга унинг шўъба корхоналаридан бири Ироқдаги АҚШ ҳарбий хизматчилари учун озиқовқат маҳсулотларини белгиланганидан юқориқ нархда сотгани сабаб бўлди. Компанияга бир неча йил илгари мамлакатнинг амалдаги вице-президенти Дик Чейни раҳбарлик қилган эди. Бу «Халлибэртон» борасидаги гап-сўзлар янада кескинлашувига олиб келди.

АҚШ молия вазирилигининг хориждаги сармояларни назорат қилиш бошқармаси 2001 йилдан «Халлибэртон» продуктс энд сервисиз»нинг фаолиятига қизиқа бошлади. Тергов ишлари эса орадан уч йил ўтгач, текширув хулосалари ўрганиб қиқилганидан сўнг бошланди.

1995 йилда қабул қилинган қонунга мувоғик, АҚШ корпорацияларининг Эрон билан савдо алоқалари маън қилинган. Бироқ уларнинг хорижий мамлакатлардаги мустақил шўъба фирмаларига бундай фаолият учун рухсат берилган. «Халлибэртон» продуктс энд сервисиз» эса Кайман оролларида рўйхатта олинган бўлиб, унинг менежерлари чет эл фуқароларидир. Шу боис компания айбловни инкор этмоқда.

Озода РАҲМАТОВА

«Камолот»

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деган ажойиб бир накл бор ҳалкимизда. Ҳакиқатан ҳам кундалик ўқиши ва иш жараёни ҳар қандай кишини толикитириши табиий. Инсонни бир хил шароит ва доимий мухит зериктиради, натижада унда изланши, интилиш сусайиб бораверади. Киши қанча яхши ҳордик чиқарса, унинг иш унумида ҳам ижобий тарафга ўзгиришлар кўпайди.

Кўпчилик ҳордик олиш тушунчасини тор маънода қабул килиди. Бундайлар учун ҳордик — фақаттинга мазза килиб ухлаш, яхши овқатланиш, кино куриш дегани бўлса, бўша тоғифадигилар учун бу тушунча юкоридагилардан мутлака фарклидир. Улар учун театрга тушиш, оиласий саёхатга чиқиш, спорт билан шуғулланиш, табиат кўйинда саир килиш — ҳордикнинг энг суурорли онлари хисобланади. Бундай фаол дам олувишларга ҳар доим хавас килсан арзиди.

Хўш, айни дам олиш ойида бизнинг мактабдаги дўстларимиз нималар билан машгул эканлар! Ёзги таътида улар қандай фойдали ишлар билан шуғулланишмоқда? Бу саволларга жавоб топиш максадида, шунингдек, оромгоҳларда дам олувиши тенгдошларимиз ҳаёти билан кизиқиб, «Камолот» ЕИХ Акмал Икромов туманинг 7 ёшдан 14 ёшгacha бўлган ўсмир ёшлари спортивнинг шахмат, шашка, футбол, стол тениси каби бир неча турлари бўйича ўзларини синаф кўриш учун йигилишган. Чакконликда, эпчилликда бир-биридан қолишимайдиган маҳалла ўсмирияти мусобакасига кетаётгандик, — дея очиқ юз билан бизни қарши олди туман «Камолот» болалар ташкилоти раиси Умид Раҳимова.

Маҳалладаги 14-мактабга борганимизда мусобакага тайёр бўлиб туришган бўлашонларни кўриб завқимиз келди. Иш-

тироклиарнинг барчаси кўтарики руҳда, «Камолот» ташкилотининг шиорлари ёзилган плакатларни кўтаришиб мусобаканинг бошланишини сабрсизлик билан кутишмоқда.

«Маҳалла ўмидлари» маркази билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу кўчма оммавий спорт мусобакаларида туманинг 7

ёшдан 14 ёшгacha бўлган ўсмир ёшлари спортивнинг шахмат, шашка, футбол, стол тениси каби бир неча турлари бўйича ўзларини синаф кўриш учун йигилишган. Чакконликда, эпчилликда бир-биридан қолишимайдиган маҳалла ўсмирияти мусобакасига кетаётгандик, — дея очиқ юз билан бизни қарши олди туман «Камолот» болалар ташкилоти раиси Умид Раҳимова.

— Ёзги таътид давомидида ёшларнинг кўччилиги



Ёз — ётмоқда соғ ОРОМГОХДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

Миллатимиз ғурурига айланган, 24 ёшида дунё шахмат тожини кўлла киритиб, курра замин олкишига сазовор бўлган юртдoshimiz Rustam Kosimjonovning айни пайтда мухлислари сонсаноксиз. Шахмат таҳтасининг оккора катакларига термулиб ўтирган ҳар бир болакайнинг энг улуғ мақсади Rustam singari шахмат устаси бўшиш.

Бундай яхши мақсаддли ёшларимизни кўллаб-куватлаш, уларга яқиндан кўмак бериш ниятида «Маънавият ва маърифат» маркази Акмал Икромов туманинг бўлими, туман «Соғлом авлод учун» таъин маскани ҳамда «Камолот» ЕИХнинг туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигига «Трамвайчи» оромгоҳида катта мусобака ўтказилди. Спортивнинг шахмат, шашка, стол тениси каби турлари бўйича ташкил этилган ушбу мусобакада оромгоҳнинг барча ёшлари иштирок этиши.

Айниқса шахмат мусобакасига Косимжоновга ёшлигига мураббийлик қилган Алексей Букининг ташкир буюори ўйин иштирокчиларини тўлқинлантириб юборди, десак хато қўймаймиз. Шахмат ишқибозлариниң кўйидаги сўзларидан ҳам бунга ўзингиз гуло бўласиз.

— Мен Ҳусан Турдиев, шу оромгоҳда дам оляйман. Шахматга жуда кизиқиман. Келажакда зур шахмати бўлиш ниятим. Ҳар бир юришимизни кузатиб турган Алексей Букининг сўзлари биз ёшлар учун катта мактаб бўлмокда. Мен бундан жудаим хурсандман. Чунки бу заҳматкаш инсон дунё шахмат усталари тан олган Rustam Kosimjonovning мураббийларидандир.

Кизиқарла ўтган ўйинлар сўнгидаги гулоблар аниқланди ва уларга комий ташкилотларининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Озода РАҲМАТОВА

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва мұхтарам корхона раҳбарлари!

Биз нақирион, иктидорли, гайратте тўла ёшларни. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз стимуланити. Файrat ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — мұваффакиятта олиб боруви ўзиг қиска йўл.



TOSHKENT SHAHAR BO'LIBI



Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ” и тадбиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади. Кўшимчча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz

Www.2oxygen.com

www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг борча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

КУПЛАЙМИЗ!

Қадрли Ротация цехи бошлиғи ўринбосари
Нарзулла ҲАМОРОЕВ!

Сизни муборак 40 ёшингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Доимо баҳт, омад, шодлик ва саломатлик сизни тарқ этмасин. Ҳамиша юзингиз ёруғ, мартағангиз бағанд, ишингиз унумли ва ҳаёт йўлнингиз равон бўлсин. «Шарқ» нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси газеталар мажмуаси жамоаси.

Осиё чемпионаты

**ЧОРАК
ФИНАЛЧИЛАР
АНИКЛАНДИ**

Гурухдаги баҳслар терма жамоаларнинг сарагини сарракча, пучагини пучакка чиқаради. Хитойда бўлиб ўтаётган Осиё чемпионатидаги сўнгиги «D» гурӯҳида ҳам голиблар аникланди.

Маълумки, гурухдаги баҳсларнинг сўнгиги учинчи турнида энг кучли жамоалар — Эрон ва Япония термалари ўзаро рўбару келишиди. Кучли таркиба эга Эрон термаси ушбу ўйинда ва гурухда голиб чиқиши кутилаётган бўлса-да, айрим воеалар, хусусан олдинги турдаги белашууда майдондан чиқариб юборилган икки етакчи ўйинчиларни ўйлуги бунга халал берди. Шу тарика кескин ва муросасиз кечкан ўйин 0:0 хисобидаги дуранг натижа билан поёнинга етди.

Кутилмаганда кучли ўйин кўрсататган уммонлик футбочиларда назарий жиҳатдан бўлса-да, кейинки боскичча чиқиши учун имкониятлар бор эди. Яёни Эрон термасининг мағлубиятга учраши ва ўммон чарм тўп усталининг охирги турда йирик галаба қозониши бунинг учун замин яратди. Аммо вазият кутилганидек бўлмади. Таиланд футбочиларини 2:0 хисобида енгтан бўлса-да, уммонликлар гурухда 4 очко жамгарган холда факат учинчи ўринни эгаллашди.

Уч ўйинда икки фалаба ва бир дуранг натижа билан Япония футболчилари гурух голиби бўлган бўлса, эронлилар беш очко билан иккинчи ўринни эгаллашди ва хар иккала жамоа чорак финалга йўлланма олди.

Энди 30 июнда терма жамоамиз чорак финалда куч синашадигон Баҳрайн футбочилари хусусида тўхталаған бўлсан, ушбу мамлакат 1966 йилдан ФИФА, 1970 йилдан Осиё футбол конфедерацияси аъзоси.

Баҳрайн терма жамоаси 1972 йилдан Осиё чемпионатлари, 1978 йилдан жаҳон чемпионатларининг саралаш турнирлари, 1984 йилдан бўшлаб эса олимпиада ўйинларида иштирок этиб келаётган бўлса-да, ушбу нуфузли мусобақаларда ўхши натижаларга эришмаган.

1970, 1982, 1992 йилларда Форс кўрғази Кубоги финалиси бўлганлиги, 1985 йилда Араб Кубоги финалига чиққани Баҳрайн футболи эришган энг йирик ютукларни сирадаги кишишган.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Шахмат сирлари

**ПОТ ҲАМ ЗАВҚ
БАҒИШЛАЙДИ**

Пот килиш осон эмас. Бунга ҳамма вакт ҳам эришила-вермайди. У ахён-ахёнда рўй бериб туради. Кўпинча кучизланниб, танг ахволга тушиб қолган томон шундай килишга мажбур бўлadi.

Баъзан бошловчи шахматчилар билмасдан ўйинни пот килиб кўядилар. ўрни келганда бу холатга тухтабиб ўтамиш. Шундай натижа қайд этилганда у дуранг баҳоланиб, томонлар очкони баҳам кўрадилар. Аммо бундай тартиб кабул килинганига унча кўп бўлгани изохлади. Сакланиб қолган манбаларда ёзишларича, пот хотали IX-X асрларга мансуб араб кўлэзмалари илк бор учрайди. ўша даврларда пот бўлган киши енгилган деб хисобланган. Голландийнинг шахмат тарихчиси Ван дер Линде 1874 йилда потта шундай изох беради: Инглиз тарихчиси Г. Мэррей кейинроқ Линденинг бу таъбири тўғри эканлигини тасдиқлайди. Испания, Англия, Германия ва Европанинг бошқа кўпгина мамлакатларида бу коиди XV асрнинг тахминан ўрталарига кадар скакланиб қолди. Мадраслик Траванградхари Шастри ўзининг 1814 йилда босилиб чиқкан китобида шахмат қоидасига қарамакарши бу мисолларни таърифлаб, шундай ёзади: «Ўйнаётганлардан бирни пот ҳолатига тушиб қолган таътида, иккинчи унга юриш имкониятни тасдиқлади». Пот қайд

дуч келган манба бунга далил бўлиб хизмат килди. XV аср ўрталаридан мот ютиш юкори баҳолана бошлади, пот эса «талаша» билан тенг кўйлади. ўша даврнинг таникли шахматчиси испаниялик Хуан Лусена ўзининг 1497 йилда нашр этилган шахмат ўйини хакидаги китобидан бу фикрин таъкидлайди. Номи дунёга машҳур испан шахматчиси ва назариётчиси Руи де Сегура Лонес ҳам 1561 йилда ёзган рисолосидан она шундай фикрин билдиради. Испания, Англия, Германия ва Европанинг бошқа кўпгина мамлакатларида бу



тини бериши керак. Пот бўлган киши бундай вазиятларда анъана гўра ракибнинг хоҳлаган бир сипохини олиб кўяди». Шахмат анича таракки қилган илгор мамлакатлар — Италия, Францияда тахминан XVI аср ўрталаридан бошлаб пот дурангга тенг баҳоланганди. ўрни келганда айтиш кераки, «пот» сўзининг пайдо бўлиши тўғрисида бирбирига зид маълумотлар учрайди. Каттагина ҳаждаги комусуда ва хориждаги чет эслар угуфати «пот» сўзининг француз тилидан келиб чиқканлиги айтилган. Шахмат луғатидан ёзилишича, ба калом италянча «potto» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, шартлашиб, битимга келишиш деган маъноларни англатди. Австриялик таникли шахмат устаси ва ўйин назариётчиси Иоганн Бергер ҳам «пот» италянча сўздан ҳосил бўлганигина тасдиқлайди. Пот қайд

тарзда изохланишидан катъи назар ўтган унинг шакланишига ҳеч кандай ўзгариш кирилолади. Энди куйидаги вазиятга назар солинг. У 1925 йилда Папе Рот ўргасида ўйналган партияда юзага келган. Кораларда фил ортиқ, лекин оклар катта маҳорат билан ўйинни пот ҳолатига олиб келади.

І диаграмма ва II диаграммада кўриб турибиз. Кани маҳоратингизни ишга солиб кўринингчи, азиз шахмат мухлислари.

Оклар кутилмаганда олдиндан пухта ўйланган режани — пот килиш ўйинни амалга оширишга киришадилар. Лекин бунга қандай эришилади? ўзингиз ўйуни топинг. Агар тутури юришларни кила олсангиз, қуйидаги пот ҳолатига келиб чиқади. Юриш оклардан.

**Анвар ИНОКОВ,
шахмат шарҳловчиси**



Қажака

СОЙИБ ХЎЖАЕВ КУЛДИРАДИ

«Тош болта ошиқ» спектакли кўрсатиладиган экан. Сойиб аканнинг оёғидаги калиши чиқиб кетиб, томоша залига тушибди. Сахна ёруғ, зал корону. Калиш бориб бир хотининг юзига тегибди. Хотининг хаёли кетиб эканми, калишни пайкамай қолиб, ёнидаги зрига дагдага қилиб кетибди:— Нега мени урасиз?

— Качон урдим? — эр ҳайрон бўлиб сўрабди.
— Уриб кўйиб, яна қачон урдим дейсиз! Менга театрда ҳам тинчлик йўқ экан-да!

— Хов хотин, мен урганим йўқ!
— Ўнинчигиз урдими бўлмаса!

Жанжалланинг «асосчи» чаккасини қашлаб турди, Парига хитоб қилибди:

— Э, Пари! Анови иккаласига айтпинг, бизни калиши бака отиб юриб, кейин жанжаллашсин, саҳнадан чиқиб кетолмай турибман!

Бир хира муҳбир маза-матрасиз савол беравериб устанинг энсасини котириб ташлабди. Устига устак ўзининг кулоги оигр эками, савонли бор овозда, бакириб берармиш!

— Сойиб ака, «Муноҳот»ни рурубда чалган маъкулми ё танбуруда? — муҳбир уннадатди савонли берибди.

Устоз ҳам илҳом келиб қолган эками, бакириб жавоб қилибди:

— Карнайдча ҷалған маъкул, карнайдча!

Бир куни Сойиб ака об-ҳавони кузатиш марказига бориб қолибди. Марказ бошлиги қироат билан навбатдаги маълумотни котибасига ёдайдгаётган экан:

— Энинг Эртага кундузи Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳаро булутланиб турса-да, ёмғир ёғмайди. 25-30 дараҳа иссиқ бўлади.

— Ассалому алайкум, — дебди уста қулини кўксига кўйиб.

— Фаргона водийсидан эсаётган шамол, — бошлиқ Сойиб акага парво қўймай давом этираверибди, — кечга бориб бўронга айланади. Сел келиши экътимоли бор.

— Вой, ўй! — деб июбарибди котиба бирдан. — Марғилондаги аммам эртага тўй қўллаётганди.

— Ўнда, — Сойиб ака кулиб дебди, — бўронни Хоразмга, селни Қорқоллоқча ёзиб кўяверинг, сингил, бариб айтгантларининг акси бўлади!

**«ФАРҲОД ДЕҲҶОН
БОЗОРИ»****ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

2004 йил 9 апрель куни соат 16:00 да бўлиб ўтган Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, «Фарҳод деҳжон бозори» худудида жойлашган «Яккабог» қаҳвахонасида «Фарҳод деҳжон бозори» ОАЖ акционерларининг умумий мажлиси натижалари. Дивиденд олмаганди акциядорларни келиб ўз дивидендларини олишини сўраймиз.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан башкаруви раисининг хисоботи тасдиқлани.

2. Жамият башкаруви раиси К. Абдуллаев билан тузилган меҳнат шартномаси бир йил мuddатга узайтирилди.

3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хуносаси тасдиқлани.

4. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг хисоботи тасдиқлани.

5. Жамият Кузатув Кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти кониқарлаб деб топилди.

6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик хисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлани.

7. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик хисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлашади. 2003 йилдан биринчидан 2004 йилга тақсимлашади.

8. Жамиятнинг 2004 йилги иш режаси (бизнес реж) тасдиқлани.

9. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва ҳаражатлар сметаси тасдиқлани.

10. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш масаласи Кузатув Кенгашида кайта кўриб чиқиши белгиланди.

11. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркиби ўзгартиши киритиш тасдиқлани.

11.1 Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигидан О. Тойчибаев чиқарилди.

11.2 Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига Р. Ҳакимов киритилди.

Кузатув Кенгаши

Наширин етказб берин масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлумларига ёки «Тонкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожат килишингни мумкин.

Газета «Тонкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наширётматбоза акциядорлик компанияси босхонасоши. Корхона манзили: «Бўюк Турон» кўчаси, 41-йчада.

**Бош мұхаррир
Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шахри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
ълончар — 133-26-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажон — 2 босма табоб оғсет услуди бослади.

Газета Тошкент шахар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билиб рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563